



Хофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланом” (“Шарафномаи шохий”) асари Марказий Осиё халқларининг ўн олтинчи асрдаги ижтимои-иқтисодий ҳаётини ўрганишда катта ўрин тутди ва далилларга бойлиги, тарихий воқеаларни атрофлича ёритиши билан бошқа тарихий асарлардан тубдан фаркланади. Шайбонийхон вафотидан сўнг парчаланиб кетган Мовароуннахрни қайта бирлаштиришда катта ишлар қилган Абдуллахоннинг қирк йиллик ҳукмронлигига, ўша пайтдаги уруш-низоларга бағишланган бу шох асар ханузгача Шарқу Гарб олимлари эътиборини жалб қилиб келяпти. Куйида мазкур асардан айрим ўзбек уруғлари тарихи ҳақида қимматли маълумотлар берилган бир парча эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Корахоннинг Ўғизхоннинг мусулмон эканидан хабар топгани ва улар ўртасида содир бўлган низолар Ўғиз шикор сайрига кетгач, Корахон бир мажлис тузди. (Бу мажлисда) Ўғиз хали муносабатда бўлмаган иккала келинини бир ерга тўплаб, уларнинг кўнгилларини беҳад кўтариб, уларга ҳисобсиз қарамлар кўрсатди. Сухбат вақтида улардан сўрадики: “Не сабабдан Ўғиз сизлардан четлашиб, Ўзхоннинг кизи билан бирга бўлди, холбуки, унинг хусни сизларнинг офтоб жамолингизнинг (факат) бир шуъласича, хуснингиз хирманининг бир арпасича ҳам эмас-ку. Агар бу воқеа борасида сизларда бирор гап бўлса, сўзланглар”. Келинлар сўзлашга мажол топиб, хотирлари(нинг) садоғида бўлган гапларни чиқариб дедиларки: “Ўғиз илгариги дин(имиз)ни кўлдан бериб, янгидан бир дин чиқарди. Шу (дин)ни ўтган оталаримиздан эшитган эмасмиз. (У) бизларни ўз динига (ўтишга) ҳар қанча ундаса ҳам, унинг амру фармонида бўйсунмадик; ота-боболаримиз динидан бошқа динга майл қилмадик”.

“Албатта бизлар ота-боболаримизни бир миллат-дин устида топганмиз ва албатта бизлар уларнинг изларидан борамиз” (Зухруф, 23).

Бу сўзни эшитиши билан Корахоннинг жаҳли кўзгаб, жони халқумига келди. Тамом ҳаяжонга келиб, зўр даҳшат билан боргоҳининг яқинлари ва мудаббирларига дедики: “Ўғиз болалигида умид боғининг гули ва абадий давлат базмининг шамъи бўлиб қолиши кўринар эди. Ҳозирда ҳақиқатан (ҳам) ўт ёқиб, жаҳонни ёндирувчи оташ бўлибди. Энди (унинг) савдойи бошини танасидан жудо қилинмаса, мамлакатга бундан (ҳам) кўп ташвишлар келади. Агар унинг умид қўли умр этагидан қалта қилинмаса, мурод ипи ихтиёр қўлидан чиғиб кетади. Кўркамани, агар бу балони даф қилишда ва бу можарони йўқотишда озгина бепарволик содир бўлса, (тез орада) қумоли илонга, илон (эса) одамни дамига тортувчи аждаҳога айланади”.

Келинлар (хам) шамол кўзгатувчи сўзлар ва оташомиз хикоялар айтдиларки, (Корахон) дар-хол офтоб зарраларидан (хам) ортик, булут ёмгирлари катраларидан (хам) кўп лашкар тўплади. Хаётдек фитна кўзКатувчи, ўк ва шамширдек кон тўкувчи сипохлари билан (ўглига карши) урушга отланди.

Ўғизхоннинг кизи бу воқеани эшитгандан ке-йин, оташ нишон, шамолдек елувчи хабарчи юбориб, Ўғизни бу хол ва кайфиятдан, кўркинчли мушкул ишдан огох килди. У (Ўғиз) ҳам кўп сонли кўшин тўплаб, (уруш) асбобларини хозирлади.

Икки тарафнинг лашкари бир-бирининг мукобилига келганидан сўнг дастлаб

Ўғизхоннинг аскарлари кофирлар билан урушиш ва мушрикларнинг илдизидан кўпориш учун олов сочувчи тигларини кинидан чиқариб, фитна нишон найзаларининг учини отларининг кулокларига тўгрилаб, уруш майдонида осмондаги юлдузлар сингари саф тортдилар.

Корахон ҳам (хатто) мунажжимлар ахли (унинг) хисобини шарх килишдан ожиз бўлган саноксиз лашкар ва ҳеч (бир) доно ва хисобчининг ақл ва фикри тасарруфига сигмайдиган микдорда кўп суворийлар ва хизматкорлар тўплади. Уларнинг ҳаммаси ханжар ва найза билан эмишган, от ва эгар билан тугишган эдилар (ва) уруш майдонида нарднинг доналаридек саф беазаган эдилар. (Шундай килиб) ўша бўкирувчи икки арслон ва икки йирткич коплон шикоргоҳда бир-бири билан тўкнашдилар ва ов жангини урушга айлантирдилар. Овдаги хайвонларнинг фарёди ногора(нинг) гулгуласи, кушларнинг чугурлашлари тасбех ҳамда такбирга айланди. Шамшир хавфидан шер юзини ўз ўрмонига ўгирадиган, тез учадиган ўкнинг кўркинчидан бургут хаво авжидан пар ташлайдиган чоғда Ўғизхон давлат ёрдамчиларидан бир нечаси билан кофирларнинг сафига от кўйиб, ер юзидан чангни осмон куббасига етказиб, куёш булогини чанг билан тўлдирди.

Ислон лашкари ва кофир(лар)нинг гурухлари уруш майдонини марказ килиб, ўраб олдилар; мусулмон ва кофирлар(нинг) тўдалари дарё тўлкинлари сингари бир-бирининг устига чигиб кетдилар.

Жанг олови (нихоятда) кучайган бир пайтда Корахоннинг вужуд хирмани куйиб кетди; ялтирок тиг оташидан унинг умид офтобини хароб килувчи булут коплади. Кимки саркашлик киличини кинидан чиқарса, ўша киличи билан ўлдирилади. Нима (ёмонлик)ни ўйласанг, ўшанга ўзинг гирифтор бўласан. (Корахон ҳам) ўз бошига ўзи етди. Нифок тухмини эккан эди. Умидсизлик хосилини (йигиб) олди. “Агар чиройли амаллар килсангизлар, ўзларингизга яхшилик килган бўлурсизлар. Агар ёмон — гуноҳ амаллар килсангизлар ҳам, ўзларингиз учундир” (Ал-Исро, 7).

Корахон(нинг) лашкари, юлдузлар офтобдан кочганидек, бахтиёр Ўғиздан кочдилар ва шабнам сингари ўзларидан тўкилдилар. Ўғизнинг кўпчилик кавмлари ва амакиваччалари у билан иттифок бўлиб, давлатининг зохир бўлишига ишонганликларидан, қарийб етмиш беш йил давомида уларнинг ўртасида бўлган уруш-талаш, киргин ва кон тўкиш тамом бўлди. Оғибатда хаёт Ўғизга насиб бўлиб, (уруш) унинг фойдасига хал бўлди.

Уруш-талаш бўлган ердан то Бухорога қадар (мамлакатлар) унинг фармонида ўтиб, жахон майдони отига жавлонгоҳ бўлиб қолди.

Ўғиз билан ёвлашган ва ёрдам бериш одатидан узок бўлган бошка авом ва кавмлар (Ўғизхон давлатининг) шарк томонида жойлашдилар. Турклар наздида муқаррар ва муайяндики, мўғуллар ўша наслдан тарқалганлар. Ўша замонда ҳамма кофир ва диёнатсиз бўлган. Унинг (Ўғизнинг) замонида ҳамма Тангрини танийдиган ва унга шуқур килиб, уни мактайдиган бўлди. “Аллоҳ Ўзи хоҳлаган зотларни Тўғри Йўлга хидоят қилур”

(Юнус, 25).

Ўғиз феруза тусли гумбазнинг айланишидан бахтли бўлиб, унинг давлат мухри фалакнинг ёкут мухридай (яъни, куёшдай) оламни ёритгач, фалакнинг сабзаранг чодир (факат) бир парча бўлиб, оламтоб куёш (унга нисбатан) бир кубба бўлиб кўринадиган олтинранг бир чодирда амирларга ва баходирларга, (уларнинг) мартабаларига лойик ташрифотлар (кўрсатди) ва (уларга) кимматбаҳо саруполар совға килди. Уруш кишиларини ва кўпгина пахлавонларнинг бошини силади ва уларнинг ахволи сахифаларига тарбият ракамини нақшлади. Ўша вақтда унга кўшилган ва унинг давлат фитрокига ўз бошини боглаган жами кавмлар ва амакиларига “уйгур” деб ном берди. Бунинг маъниси — кўшилиш ва мадад қилишдир. Конгли, кипчок, халаж ва оҚожири (кабилаларидан бўлган) халқлар уларнинг фарзандларидан бўлиб, ана шу низолар ва жанжалларда ҳамда (юз берган) бошка воқеаларда, шароитга қараб, уларнинг айримларига, яхши феълларига (ҳам) қараб, исм ва ном берди. Баъзиларига нисбатан (бўлса) бирор гуноҳ (ёки) нуксонда ҳажв қилишни (ўз) ичига оладиган бир сўзни уларнинг ахволи сахифасига битар эди, токи булардан бирига гурурланиш сабаби иккинчисининг огоҳлик воситаси бўлсин. Ўша фиркаларнинг исмлари ва тафсиллари бундай:

Уйгур (қавми). Ўғиз отаси ва амакилари билан тангрипарастликда низолашиб юрганида Ўғизга кўшилган ва унга тобелик камарини белларига боглаган қавмдир. Уйгур (сўзи)нинг маъноси юқорида айтилди. Бу жамоа Ўғиздан ҳеч вақт ажралмас ва ҳилофлик қилмас эди. Унинг (Ўғизхоннинг) давлат оти жаҳонни кезишда фалакнинг сабзаранг отидек тез бўлиб, офтоб(нинг) тиги унинг мамлакат очувчилик урушлари тиги жозбидан ўтмас бўлиб қолган бир замонда уларни Дарбант чегараларидан қайтариб қолган, токи улар шохона байроқлар ўрнига қолгунча мамлакатни муҳофаза қилишда ниҳоят тиришсинлар. Уйгур қавмлари тўлиғича ўша богнинг меваси ва ўша чирогнинг учқунидир.

Конгли (қавми). Ўғиз ва унинг амакиваччалари ўртасида низо қучайиб (улар бир-бири билан) тик ва ўк тили билан сўзлашиб юрган вақт- ларда (конгли қавми) уларнинг мулкани, хирожини, тахту тожини талон-тарож қилди ва ҳад-ҳисобдан ташқари кимматбаҳо тошлари, нақдиналари, турли мато ва қийимлари (конглилар) қўлига тушди. Бу (нарсалар)ни ўша томондан олиб қелиш мушкул ва қийин кўринди. (Шу вақтда) бу жамоа назар ва фикрнинг нозиклиги билан аравалар ясардилар; қўлларидаги юқнинг ҳаммасини араваларга ортардилар. Ва шу мақбул ишлари туфайли “конгли” лақабини олганларки, (конгли) араванинг номи бўлган. Конглиларнинг барчаси ўша номнинг катталари ва ўша дарёнинг томчиларидир. Султон Жалолиддин (Хоразмшоҳ) нинг онаси Туркан хотин (ҳам) шу қабиладан (бўлиб), шу пилигнинг шуъласидир.

Кипчок (қавми). Ўғизхон итборок (қавми билан) жангда шикаст еб, икки дарё оралигида қолиб, унда макон қилган (вақт)да ўша жангда эри шер шамширининг қанғалига тушган (яъни, ўлдирилган) бир ҳомиладор хотин замоннинг ажиб вазияти туфайли ҳомиладорликдан бўшаниш учун чириган катта бир дарахтнинг қавагига кириб, бир ўғил тугди. Бу ҳол қайфияти Ўғизхоннинг шарафли қулогига етгач, марҳамат ва қарам юзасидан амр қилдики: “Бу боланинг отаси йўғлиги учун менга фарзанд ўрнида бўлсин ва менинг тарбиямдан баҳраманд бўлсин”. (Ўғизхон унинг исмини Кипчок қўйди ва унинг тарбиясида (зўр) ҳиммат кўрсатди; уни фарзанд ўрнида тутди. Мазкур исм “қабак” сўзидан олинган бўлиб, туркчада қавакли дарахтни шундай атайдилар. (Орадан) ўн етти йил ўтгач, Ўғизхон итборок қавмини енгди ва Эронзаминни (ўзининг) осмондаги

юлдузлар каби камол(га етган) махрамлари беаги билан тўлдирди. (Бутун) дунё мамлакатларини тақдир ёрдами билан бўйсундирди, жахонни тиг ва найза зарби билан ўзига қаратди. (Бундан) бир канча вақт ўтгач, (Ўғизхон) ўз юртига ва қароргоҳига қайт-ган эди (ҳам) ки, яна хабар келдики, итбороклар (унга қарши) яна исён бошлабдилар ва душманчилик шамширини тугён суви билан сугорибдилар. (Ўғизхон) уларнинг зарар(ли ҳаракат)ларининг олдини олиш ва ёмонлик (нийат)ларини даф этиш учун Кипчокка яйловда ўлтиришни ва уларнинг (исёнчиларнинг) йўлини тўсишни буюрди. Ўша замондан бери у қавмнинг яйлов ва кишлоклари ўша манзилдадир ва ҳамма кипчоклар ўша зотнинг қатралари ва ўша оташнинг учкунларидир.

Қорлик (қавми). Қачонки Ўғизхон Ғур ва Ғаржистондан ўзининг асл юртига қайтар экан, баланд тоққа етдики, осмон баландликда унинг қамарбастаси эди ва (ўша вақт) ер атрофи, ҳаво этаги қор билан тўлган тоғдай мушк ва қоғур билан тўлган эди. Совуқнинг шиддат ва савлатидан бир фирқа (Ўғизхоннинг) муборақ узангисига мулозим бўлишдан ортда қолди. (Мавжуд) ясоқ ва қоида кишини ундан ортда қолишга йўл қўядиган эмас эди. Ўғизхон ўша ҳаракат улардан содир бўлганини билди, танбех ва тобелик юзасидан у халққа “қорлик” деб лақаб берди; яъни (қорлик) “қор эгаси” демақдир. Улар ўша жойда туриб қолдилар ва уларнинг юртларидан баъзилари Сова (вилояти)нинг атрофларидадир.

Халаж (қавми). Ўғизхон Исфохонни олиб қайтаётганида, бир ҳомиладор хотин туккан эди. Тангрининг саҳийлиги унга (ўз) насибасидан баҳра олишда очикқўллик қўрсатганида, (онасининг) қўқрак булоғида нам қолмаган эди. Заҳмат кечасининг узунлигидан шақар қамишдонда (сутдан) асар қолмаган эди. Бола (очликдан) қуруқ лаб ва нам қўзлари билан йигларди; очлик интизорлигида қўзини очиб ҳар томонга (қараб) жавдирарди. Шу ҳолатда ўша аёл эрининг қўзи тустовукни тутиб олган бир шағалга тушди (ва шағалга) қалтак отиб, унинг қўл ва оғзидан ўша луқмони (тустовукни) тортиб олди. Тустовукни худди шағал юрагидек (қилиб қовуриб) қабоб қилди (ва) уни хотинига берди. Она ва фарзанд ўша таомдан баҳра ва ҳаёт дарсидан сабоғ топдилар.

Фармоннинг даҳшатидан ва ясоқнинг қаттиқлигидан кишининг (бир жойда) тўхташга мажоли йўқ эди. Бир неча кундан сўнг бу бечора лашқарга етиб олди. Ўғизхон унинг ҳол-аҳволига тушунгач, унга: “қол оч”, яъни, “оч қол”, деди. Халажларнинг ҳаммаси шу ёруғсиз уругдан ва ис босган қулбадандир.

Оғожири (қавми). Бу ном қадимдан бўлмаб, (балки) Ўғизхон(нинг) қавмлари Эрон мамлақатига (бостириб) қирғанларида ўрмон четларини (ўзларига) юрт ва қароргоҳ қилиб олган бир тоифани “оғоч эри”, яъни “ўрмон кишиси” деб атадилар.

Оғожириларнинг барчаси шу тоифа наслидандир. Ўғизхонга итоат қилиб, жон бағишловчилик ёзувини диллари ва хотирларининг саҳифаларига нақш қилган туркманлар (ҳам) мазкур қавмдандир.

Ўғизхон ҳокимлик мансабига эришиб, мақсадига етиб, (мамлакатда) тинчлик (ва осойишталик) ўрнатганидан сўнг, “уйғур” номини ўзи билан ҳамжихат бўлган туркларнинг барчасига берган бўлса ҳам, (лекин) улар орасидан баъзилари юқорида баён қилинган сабаб билан ўзларига ҳос исм ва махсус лақаб олдилар. “Уйғур” сўзи қолганларга исм бўлиб қолди.

(Хофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. “Абдуллонома, Шарафномаи шохий”, 1-жилд,

таржимон Содик Мирзаев, Тошкент. “Фан” нашриёти, 1966 йил, 66-74-бетлар,
кискартириб олинди).